



# O'zbekiston Ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

t.me/uzbekiston\_ovozi | facebook.com/uzbekistonovozi | instagram.com/uzbekiston\_ovozi | www.uzbovozi.uz | info@uzbovozi.uz



## ИФТИХОР

### ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!



Ватанни севиш – бу киндик қонинг тўкилган, орзу-мақсадларинг, борлигинг бир бутунлик касб этган қадрдон ошенингга фақат меҳр қўйиш билан чекланмайди. Ватан тўғрисидаги юки катта, илдизи чуқур. Узингни шу юртнинг, бунда яшаётган танги, бағрикенг халқнинг бир бўлаги деб ҳис қилишдан бошланади бу тўғу. У инсонни буюк жасурликларга, элу юртнинг яхши-ёмон кунинда асқатишга, бир сўз билан айтганда, бу оламда шунчаки яшаб ўтмасликка ундайди. Тасаввуф илми намояндаси Шайх Баҳоуддин Нақшбанд ҳам "Ватан таркини бир нафас айлама... Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл..." дея бежиз таъкидлаган.

Инсон тақдири юрт тақдири билан туташ экан, у яшаётган заминдаги ҳар қандай ўзгариш, янгилиниш ҳаёти ва ҳаётини аъмолларида акс этади. Худди шундай, бугун Янги Ўзбекистондаги жадал ривожланиш

эпкилари оиламиздаги ҳаловат ва файзу баракада, турмуш тарзимиздаги ўнгилишларда, эзгу ниятларимизда, интилишларимизда яққол бўй кўрсатаётир. Вақт бир жойда депсиниб турмагани каби, мамлакатимиз тараққиётида ҳам йил ёки чорак сайин эмас, балки кун сайин ўсиш суръати ошиб борапти, десак янглишмаймиз.

Бундай дадил одимлар замирида, албатта, миллий суверенитетимиз, ўз йўлимизни ўзимиз белгилаш ҳуқуқини берган мустақиллигимиз турибди. Бир-бирини қувиб ўтаётган йиллар бизга бу ҳақиқатни тобора теран англаб етишимизга имкон бермоқда.

Ўтган 35 йил давомида уч авлод гувоҳлигида давлатимиз қаддини тутди, сиёсий ва иқтисодий эркинликка, маданий-маърифий юксалишга юз бурди, жохон майдонида ўз ўрнига, ўз сўзига эга бўлди. Айниқса, сўнги йилларда тараққиётнинг сифат жиҳатидан юқори босқичга чиққани Мустақиллик солномасида

бутунлай янги давр бўлиб муҳрланмоқда.

35 йилдирки, 1 сентябрь – Мустақиллик байрамини янги-янги ютуқлар, ўзгача ҳаяжон ва хурсандчилик билан қарши оляпмиз. Бинобарин, Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 35 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорида келтирилганидек, миллий мустақиллигимиз мард ва матонатли халқимизнинг қатъий иродаси, истиклол йўлида курашган фидойи аждодларимиз орзу-умидларининг рўёби бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишга қаратилган эзгу ишларимизнинг мустақам асоси, келажак авлодларимиз учун безавол етказишимиз шарт бўлган буюк ва муқаддас қадриятдир. Шунинг учун ҳам Мустақиллик байрами ҳар бир юртдошимиз, каттаю кичик учун бирдек азиз ва қадрли.


► (Давоми 3-бетда)

9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН

### АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАНГА ҲОМИЙЛИК

ДАВЛАТ СИЁСАТИГА АЙЛАНГАН

Қадим Мовароуннахр замини Амир Темур томонидан мўғуллардан озод қилиниб, Темурийлар сулоласи ҳукмронлиги бошлангач, илм-фанни ривожлантириш, маданиятни юксалтириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Бу, айниқса, аниқ фанлар соҳасида яққол кўзга ташланади. Соҳибқирон ҳукмронлиги давридаёқ бу ўлкадан кўплаб олимлар етишиб чиқди. Қизиқ томони шундаки, улар ҳам Биринчи Ренессанс даврида яшаган илм аҳли сингари қомусий олимлар бўлиб, бир қанча соҳаларда ижод қилишган. Жумладан, Амир Темурнинг ҳукмронлик чоғида Низомиддин Баздавий, Саъдуddин Тафтазоний, Сайид Шариф Али Журжоний, Муҳаммад Киё Журжоний, Нуруддин Али Балхий каби олимлар аниқ фанлар соҳасида таниқли бўлишган. Соҳибқирон вафотидан кейин Темурийлар пайтида уларнинг издошлари бўлиб Жамшид Коший (Кошоний), Нейматуллох Кирмоний, Қутбуддин Хусравшоҳ, Хусайн Хоразмий Кубравий, Абдулқодир Мароғий, Қозизода Румий, Масъуд Машҳадий, Шарафиддин Али Яздий, Муҳаммад Жомий Олмосий, Маҳмуд Валиштоний, Мансур Коший сингари ўнлаб юксак тафаккур эгалари илм-фан майдонига кириб келган.



► (Давоми 6-бетда)

## ПАРЛАМЕНТДА

### ҲАР БИР МЕЪЁР ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди

Мажлисида дастлаб "Ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ва уларнинг оила аъзоларининг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, кейинги йилларда мамлакатимизда ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва махсус тузилмалар ходимлари, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш борасида кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мазкур қонун лойиҳаси ҳарбий хизматчилар, шунингдек, уларнинг оила аъзоларини пенсия билан таъминлаш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган.

Қонун лойиҳаси билан ҳарбий хизматчилар (ходимлар) ва уларнинг оила аъзоларини давлат пенсиялари билан таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини қонун билан белгилаш, ушбу



пенсияни тайинлаш шартлари, турлари, миқдорлари ва тартибига оид нормаларни такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Хусусан, ҳарбий хизматда 30 йилдан ортиқ хизмат қилганлар учун пенсиянинг базавий миқдорини аниқлашда иш ҳақининг ҳисобга олинмаган миқдорини 75 фоиздан 100 фоизга ошириш,

шунингдек, пенсия тайинлашда асос бўладиган пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорини ўн бараваридан келиб чиқиб ҳисоблаш амалиётини ўн икки бараваридан келиб чиқиб амалга ошириш таклиф этилмоқда.

► (Давоми 2-бетда)

## НУҚТАИ НАЗАР

### УЛАР БИЗГА БЕГОНА ЭМАС барча болалар ҳимоя ва ғамхўрликка ҳақли

Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар давлат ва жамиятнинг эътиборига муҳтож қатламдир. Ижтимоий ҳимоя тизими бу болаларни нафақат ҳимоя қилиш, балки ҳаётда мустақил ва барқарор бўлишга тайёрлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

► (Давоми 7-бетда)



## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

### Доимий комиссияларда депутатлар фаол бўлса

муҳокама қизғин, натижа ижобий бўлади

Маҳаллий Кенгашлар — бу ҳудудий бошқарувда халқ манфаатларини ифода этувчи муҳим институт. Доимий комиссиялар эса ушбу Кенгашларнинг самарали ишлашини таъминловчи асосий ишчи органлардир. Чунки доимий комиссиялар Кенгаш

депутатларидан ташкил топган бўлиб, муайян соҳалар бўйича ихтисослашган ҳолда иш олиб боради.

► (Давоми 4-бетда)

## ПАРЛАМЕНТДА

## ▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Тақдим этилаётган имтиёзлар Ватанимиз ва халқимиз хавфсизлигини таъминлашда узоқ йиллар фидокорона хизмат қилган, ўз ҳаётини юртимиз истиқболи учун бахшида этиб, фидойилик кўрсатган ҳарбийларимизни қўшимча рағбатлантириш, ёшларимизда бу соҳага бўлган меҳр ва иштиёқни ошириш, уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш каби мақсадларни назарда тутган.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## НООЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ УЧУН УМУМИЙ ХАВФСИЗЛИК ҚОИДАЛАРИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

Мажлисида "Маҳсулотларнинг умумий хавфсизлиги тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳасида нооziқ-овқат маҳсулотлари учун умумий хавфсизлик қоидаларини белгилаш билан бирга, айрим юқори хавфли маҳсулотларга нисбатан янада қатъий талаблар қўйиш кўзда тутилмоқда. Шунингдек, маҳсулотларни хавф даражасига қараб тоифалаш орқали уларни назорат қилиш тартибини такомиллаштириш тақриф этилмоқда.

Лойиҳада Жаҳон савдо ташкилотининг Савдодаги техник тўсиқлар бўйича битими талаблари инобатга олинган. Хусусан, техник регламентлар халқаро савдода ортикча тўсиқлар яратмоғига, маҳсулотлар учун тенг шарт-шароитлар таъминланиши ҳамда истеъмолчиларни чалғитувчи ҳолатларнинг олдини олиш тамойиллари мустаҳкамланган.

Техник регламентлар эса маҳсулот конструкциясига эмас, балки унинг хавфсизлиги ва натижавий кўрсаткичларига қаратилган талабларни ўз ичига олиши белгиланмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, ишлаб чиқарувчилар, импорт қилувчилар ва сотувчилар зиммасига катта масъулият юкланмоқда. Улар маҳсулотнинг талабларга мослигини баҳолаб, тегишли ҳужжатларни расмийлаштириши, зарур ҳолларда эса маҳсулотни махсус мувофиқлик белгиси билан тамғалаши шарт бўлади.

Яна бир янгиллик — "мувофиқлик презумпцияси" тамойили жорий этилаётганидир. Яъни, амалдаги стандартларга мувофиқ ишлаб чиқарилган маҳсулотлар хавфсиз деб ҳисобланади.

Маҳсулотларни баҳолашда эса унинг бошқа маҳсулотлар билан ўзаро таъсири, фойдаланиш шартлари, аҳолининг турли қатламлари — болалар, кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ва бошқалар учун хавфсизлиги алоҳида эътиборга олинади.

Энг муҳими, истеъмолчиларни ҳимоя қилиш даражаси янги босқичга кўтарилиб, уларнинг маҳсулотларга бўлган ишончи мустаҳкамланади. Шунингдек, халқаро стандартларга мос тизимнинг жорий этилиши миллий бозор рақобатбардошлигини оширишга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда қабул қилинди.

## МАҲСУЛОТЛАР МУВОФИҚЛИГИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Мажлисида мамлакатимизда техник жиҳатдан тартибга солиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қонун лойиҳаси билан маҳсулотларнинг мувофиқлигини баҳолаш тизимини такомиллаштириш, стандартларни ихтиёрий қўллаш амалиётини кенгайтириш, метрология соҳасини халқаро талаблар асосида қайта ташкил этиш ҳамда аккредитация органлари фаолияти мустақиллигини кучайтириш назарда тутилмоқда. Шу билан бирга, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилати битимлари талаблари билан уйғунлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Лойиҳага мувофиқ, амалдаги қатор қонунларга, жумладан, "Техник жиҳатдан тартибга солиш

# ҲАР БИР МЕЪЁР ИНСОН МАНФААТИ УЧУН

## Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси ўтказилди




тўғрисида", "Стандартлаштириш тўғрисида", "Метрология тўғрисида" ҳамда "Мувофиқликни аккредитация қилиш тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши кўзда тутилмоқда.

## БОЗОР НАЗОРАТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ТАЪСИРЧАН МЕХАНИЗМЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

Мажлисида "Бозор назорати тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига



## ЯНА БИР ЯНГИЛИК — "МУВОФИҚЛИК ПРЕЗУМПЦИЯСИ" ТАМОЙИЛИ ЖОРИЙ ЭТИЛАЁТГАНИДИР. ЯЪНИ, АМАЛДАГИ СТАНДАРТЛАРГА МУВОФИҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАР ХАВФСИЗ ДЕБ ҲИСОБЛАНАДИ.

яратилмаётган кенг имкониятлар натижасида бозорларда маҳсулотлар тури ва ҳажми изчил ортиб бормоқда. Лекин, амалдаги техник жиҳатдан тартибга солиш тизими бозордаги барча нооziқ-овқат маҳсулотларини тўлиқ қамраб олиш имконини бермайди. Бу эса маҳсулотлар сифатини таъминлаш, уларнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига таъсирини баҳолашда айрим муаммоларни келтирмоқда. Шу сабабли амалдаги давлат назорати тизимидан халқаро тажрибада юқори самара берган бозор назорати тизимига ўтиш зарурати юзага келяпти.

Истеъмолчиларнинг манфаатларидан келиб чиқиб, бозорга кириб келган барча нооziқ-овқат маҳсулотларининг инсон ҳаёти ва соғлиғига хавфсизлигини ҳамда атроф-муҳитга зарар етказмаслигини таъминлашга қаратилган бозор назоратини амалга ошириш механизмларини жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштиришга қаратилган "Бозор назорати" қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Лойиҳада бозор назоратини амалга оширишнинг таъсирчан механизмлари, хусусан, назорат харидлари, маҳсулотлар экспертизаси, жойига чиққан

ҳолда ўрганишлар ўтказишнинг ҳуқуқий асослари белгиланмоқда. Шунингдек, маҳсулотлар номувофиқлиги ёки истеъмолда жиддий хавф-хатар туғдириши аниқланганда кўриладиган таъсир чораларига оид нормалар акс эттирилган.

Бундан ташқари, бозор назоратини олиб боришда ваколатли органлар билан божхона органлари ўртасидаги ҳамкорлик, бозор назорати соҳасида идоралараро ахборот алмашинуви, иқтисодий операторларнинг жавобгарлиги ҳамда инсон ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни истеъмолчиларга қоплаб беришнинг ҳуқуқий асослари аниқланган.

Депутатларнинг фикрича, қонун лойиҳасида сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарган, импорт қилган ёки тарқатган шахсларга нисбатан таъсир чоралари аниқ белгилашни, жумладан, маҳсулот муомаласини вақтинча тўхтатиб туриш, уни қақриб олиш ёки бозордан чиқариш каби чоралар назарда тутилганлиги истеъмолчилар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради.

Белгиланган техник тартибга солиш талабларини бузганлик учун жавобгарлик чоралари кучайтирилаётганлиги ҳамда истеъмолда жиддий хавф туғдирувчи маҳсулотларни муомалага чиқарганлик учун молиявий жазмалар жорий этилиши халқ вакиллари эътиборида бўлди.

Депутатлар муҳокамалар давомида иқтисодий операторларнинг жавобгарлиги, етказилган зарарни қоплаш механизмлари, соҳани молиялаштириш ҳамда низоларни қўриб чиқиш тартибларини янада такомиллаштириш бўйича қатор тақрифларни илгари суришди.

Муҳокамалар якунида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## ЭКСТРЕМИЗМГА ҚАРШИ ВА ЁШЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛУВЧИ ҚОНУН

Мажлисида "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига экстремизмга қарши курашиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда экстремистик ва террорчилик ташкилотлари ахборот технологиялари ҳамда интернет тармоқларидан фолд фойдаланиб, айниқса, ёшларни зўравонлик ва радикал ғояларга жалб этишга уринаётгани кузатилмоқда. Шу боис амалдаги қонунчиликни замон талаблари асосида такомиллаштириш, профилактика чора-тадбирларини кучайтириш, масъул идоралар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш долзарб вазифа ҳисобланади.

Мазкур қонун лойиҳаси мамлакатимизда тинчлик ва

кўрсатмоқдаки, жинсий эркинликка қарши жиноятларни тергов қилиш жараёнида қатор муаммолар сақланиб қоляпти.

Хусусан, айрим ҳолларда жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда қонун нормалари нотўғри қўлланилиши, жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари тўлиқ таъминланмаслиги каби салбий ҳолатлар учрамоқда.

Шу муносабат билан қонун лойиҳасида жинсий эркинликка, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни тергов қилиш ваколатини прокуратура органларига ўтказиш тақриф этилмоқда. Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида прокуратура органларининг ваколатларини кенгайтириш, уларга бундай ҳолатларни текшириш, дастлабки терговни олиб бориш ҳамда жазони ижро этиш устидан назоратни кучайтириш вазибалари юклатилмоқда.

Бундан ташқари, мансабдор шахслар томонидан содир этилган, айниқса, инсон ўлимига олиб келган жиноятларни тергов қилиш амалиётини ҳам такомиллаштириш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, жинсий эркинликка қарши жиноят содир этган шахсларнинг жазони ўташ тартибини қатъийлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, Жиноят-ижроия кодексига киритилаётган ўзгартиришларга мувофиқ, Жиноят кодексининг 118- ва 119-моддаларида назарда тутилган жиноятларни вояга етмаганларга нисбатан содир этганлик учун ҳукм қилинган шахсларнинг манзил-колониаларга ўтказилмасликни назарда тутувчи тартиб белгиляпти.

Қизгин муҳокамалардан сўнг, қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

## КЎП КВАРТИРАЛИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ РУХСАТСИЗ ҚУРГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Мажлисида қурилиш соҳасида давлат назорати ва бошқарувини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда моддама-модда кўриб чиқилди.

Ушбу қонун лойиҳаси билан кўп квартирали уй-жойларни рухсатсиз қурганлик учун жавобгарликни кучайтириш назарда тутилмоқда. Хусусан, "Маъмурий жавобгарлик тўғрисида"ги кодексга тегишли ўзгартиришлар киритилиб, мазкур ҳуқуқбузарлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланмоқда. Бундай қоидабузарлик такроран содир этилган тақдирда эса, жиноий жавобгарлик белгилаш тақриф этилмоқда.

Шунингдек, Шаҳарсозлик кодексига "мастер режа" тушунчасини шаҳарсозлик ҳужжатларининг алоҳида тури сифатида киритиш кўзда тутилмоқда. Ушбу ҳужжат ҳудудларни комплекс ривожлантириш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий ва экологик ёндашувларни уйғунлаштириш имконини беради.

Белгилаётган янги қоидалар эътиёж тобора ортиб бораётган бинолар, жумладан, аҳоли турар жойларининг сифатли қурилишини таъминлашга қаратилган.

Масъул қўмита томонидан қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида депутатларнинг таъминлаш, асосида бир қатор нормалар қайта кўриб чиқилиб, тадбиркорларнинг манфаатларидан келиб чиқиб янада такомиллаштирилгани алоҳида таъкидланди.

Қайд этилганидек, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши шаҳарсозлик соҳасида қонун устуворлигини таъминлаш, ноқонуний қурилишларнинг олдини олиш, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда хавфсиз ва сифатли уй-жой қурилишини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

Мажлисида, шунингдек, депутатлар ёнгин хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинди.

Қизгин муҳокамалардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди ва Сенатга юборилди.

**Лаиза ШЕРОВА,**  
**"Ўзбекистон овози"**  
**муҳбири.**



## ДЕПУТАТЛАР, ШУНИНГДЕК, АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ҲАМДА АЙРИМ ЖИНОЯТЛАР ТЕРГОВИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ БИРИНЧИ ЎҚИШДА МУҲОКАМА ҚИЛИШДИ.

осойишталикни мустаҳкамлаш, экстремистик ғоялар тарқалишининг олдини олиш, ёшларни турли зарарли таъсирлардан ҳимоя қилишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Ҳужжат билан Жиноят кодекси ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга жамоат хавфсизлиги ва тартибга таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намоиш этиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик чораларини такомиллаштириш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, "Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида"ги қонунда экстремизмнинг олдини олиш, бу ҳақда хабар берган шахсларни рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш, ташкилотларни экстремистик деб эътироф этиш тартибларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган нормалар киритилмоқда.

Бундан ташқари, "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги, "Ахборотлаштириш тўғрисида"ги, "Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида"ги, "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида"ги, "Таълим тўғрисида"ги, "Аҳоли бандлиги тўғрисида"ги, "Ноширлик фаолияти тўғрисида"ги ҳамда "Аҳолига психологик ёрдам кўрсатиш тўғрисида"ги қонунларга ҳам тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тақриф этиляпти.

Дунёда кескинлашиб бораётган нотинчлик ва зиддиятлар шароитида амалдаги қонунларга киритилаётган бундай ўзгаришлар, энг аввало, мамлакатимиздаги тинч ва барқарор ҳаётни, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мажлисида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

## АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАРНИ ЗЎРАВОНЛИКДАН ҲИМОЯ ҚИЛИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ РОЛИ ОШАДИ

Депутатлар, шунингдек, аёллар ва болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда айрим жиноятлар тергови самарадорлигини оширишга қаратилган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилинди.

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, айниқса, хотин-қизлар ва болаларни жинсий зўравонлик ҳамда ахлоққа зид таъвоулардан асрашга қаратилган ислохотлар изчил давом этмоқда. Шу билан бирга, амалиёт шуни

## ИФТИХОР

▶ (Давоми. Боши 1-бетда)

Қарорга кўра, давлатимиз мустақиллигининг 35 йиллигини Янги Ўзбекистоннинг бугунги улкан салоҳияти ва жаҳон майдонидаги нуфузига мувофиқ тарзда нишонлаш мақсадида барча ташкилий-амалий ва маданий-маърифий тадбирлар "Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!" деган бош ғоя асосида амалга оширилади.

Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўришининг ғоявий-бадий концепциясида Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар самарасини кенг ёритиш, иқтисодий-маърифий барқарор ва жадал ривожланиб бораётгани халқимиз турмуш фаровонлигини ошираётганини намоён қилиш, тинчлигимиз ва чегараларимиз дахлсизлигини таъминлашга хизмат қилувчи муҳофаза салоҳиятини мустаҳкамлаш жараёнини, миллий қадриятлар, давлатчилик, фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, маҳалла тизимини рағбатлантириш бўйича эришилаётган ютуқ ва натижалар аҳамиятини таъкидлашга урғу берилган.

Шунингдек, жамиятимизда ёши улғу инсонлар, хотин-қизлар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам манфаатлари самарали таъминланаётгани, ёшларимизга "Янги Ўзбекистоннинг бунёдкорлари" сифатида билим ва касб эгаллашлари, тадбиркорлик ташаббуслари учун зарур шароитлар яратилаётгани, миллатлараро дўстлик ва динлараро бағрикенглик муҳитини сақлаш ва кучайтириш барча фуқароларимизнинг муқаддас бурчиغا айланаётгани юқоридаги концепциянинг мазмунини ташкил этади.

Ортимиз бўйлаб уюшқоқлик билан, юксак кўтаринкиликда ташкиллаштирилган байрам тадбирлари ёшларни, ижтимоий ва этник гуруҳлар ҳамда ватандошларни фаол жалб этиш кўзда тутилмоқда.

Бундан ташқари, илм-фан,

# ЯГОНА ВАТАН, ЯГОНА ХАЛҚ БЎЛИБ, ЯНГИ ҲАЁТ ВА КЕЛАЖАК ЯРАТАМИЗ!



таълим, маданият, адабиёт ва санъат намоёндалари, спортчилар, жамоатчилик вакилларидан иборат бадий-ижодий гуруҳлар томонидан апрель – сентябрь ойларида кенг кўламдаги маънавий-маърифий тадбирлар ва ижтимоий лойиҳаларни ўз ичига олган "Мустақиллик тўйи" (фестивали) тадбирлари ўтказилади. Тўйга – тўёна, деганларидек, анъанага кўра, мамлакатимизнинг турли нуқталарида байрам арафасида қатор йирик sanoat, маданият, таълим ва спорт муассасалари тантанали очилиши кутилаётир.

Яна бир эътиборли жиҳати, қарорга мувофиқ Бадий академия, Маданият вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика

Маънавият ва маърифат маркази биргаликда миллий мустақиллик ва суверенитет ғояларини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари қиёфасини ўзида мужассамлаштирган "Ватан фидойилари" рамзий монументининг эскиз лойиҳасини ишлаб чиқиши, ушбу монумент Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туман ва шаҳарларда 2026–2030 йилларда барпо этилаётган умуммиллий бирдамлик боғларининг марказий қисмида ўрнатилиши белгиланди.

Ёшлар ишлари агентлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамкорлигида апрель ойидан ижтимоий тармоқларда #Mustaqillik35, #Uzb35 хештеглари остида

тарғибот акцияларини бошлаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати, Адлия вазирлиги ҳамда Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти август ойида пойтахтимизда "Мустақил Ўзбекистон – 35 йиллик тараққиёт йўли: ислохотлар, натижалар ва истиқболлар" мавзусида халқаро илмий-амалий конференцияни ўтказиши, "Мустақилликнинг 35 йиллиги" эсдалик олтин тангаси зарб қилиниши – буларнинг бари энг улғу ва азиз айёмнинг бекиёс шукҳ касб этишидан далолат беради.

**Ирина ТОКАРЕВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ҲХДП фракцияси аъзоси:**

– Ўзбекистон бугун дунёга тинчлик, барқарорлик ва инсон қадрасий қадриятларига айланган демократик давлатнинг ноёб моделини ишонч билан намойиш этмоқда. Бунинг негизда миллатлараро тотувлик ва динлараро бағрикенгликни мустаҳкамлашга қаратилган реал, вақт синовидан ўтган сиёсатни кўраимиз.

Мамлакатимизда 130 дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитида яшаётгани бунга ёрқин мисолдир. Аслида бу шунчаки статистика эмас, жаннатмонанд ўлкада турли миллат вакиллари ўз маданияти, тили ва анъаналари сақланган ҳолда "Ўзбекистон – умумий уйимиз" шиори остида жипсликда яшаётганини тасдиқлайди. Зеро, республикамиз Конституциясида ҳам миллати, тили ва динидан қатъи назар, фуқаролар тенглигининг асосий принциплари мустаҳкамланган бўлиб, ушбу ҳуқуқий меъёр ҳар бир инсонга ҳимояланганлик, дахлдорлик ва эртанги кунга ишонч туйғусини кафолатлашга хизмат қилади.

Депутат сифатида шунга аминманки, яқинлашиб келаётган мустақиллигимизнинг 35 йиллик байрами тадбирлари нафақат халқимизни яқдил мақсадлар сари ундайдиган ёрқин воқеа, балки босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, миллий суверенитет ва тинчлик-осойишталик қанчалар бебаҳо бойлик эканини қалбан англаш учун муҳим платформа вазифасини бажаради. Бу бойлиқни асраш, мустақилликни мустаҳкамлаш ҳозирги глобал беқарорлик ва таҳликали замонда ҳаёт-мамонт масаласидир.

Унутмайлик, инсон учун бу дунёда она Ватандан азизроқ макон йўқ.

**Ф. ИБРОҲИМОВА.**

## ЖАРАЁН

## ҚОНУНЛАР ВА ИСЛОҲОТЛАР ИЖРОСИДА БЎШЛИҚҚА ЙЎЛ ҚЎЙИБ БЎЛМАЙДИ



**Инсон қадраси ва ҳуқуқлари устуворлигини, конституциявий тамойиллар ҳаётбахшлигини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг, халқимиз турмуш даражасини ошириш, миллий тараққиётимиз пойдеворини янада мустаҳкамлашга доир стратегик ислохотларнинг ижросида, сўзсиз, парламент назорати суви ва ҳаво каби зарур. Зотан, парламент назорати, давлат раҳбари таъбири билан айтганда, бу халқ назорати ва халқ талабидир.**

**Парламент назоратини такомиллаштириш бугун долзарб аҳамиятга эга. Худудлардаги ва соҳалардаги муаммо камчиликларни бартараф этиш, қонунчиликдаги бўшлиқларни аниқлаб, барҳам бериш аини жараён билан чамбарчас боғлиқ. Олий Мажлис Сенати Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси аъзоси Гулнора МАЪРУФОВА давлат раҳбарига юқори палатанинг назорат-таҳлил фаолияти ҳақида қўйидагиларни баён қилди.**

– Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти жиҳатидан давлат бошқарувини сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишга қаратилган, – дейди Г. Маъруфова. – Бу мақсадга эришиш учун мукамал қонунларни қабул қилишнинг ўзи етарли эмас. Амалиётдан биламизки, энг такомилга етган қонун ҳам, агар ижроси таъминланмаса,

кутилган натижани бермайди. Аинан шу нуқтаи назардан қараганда, парламент назорати, хусусан, Сенатнинг назорат-таҳлил фаолияти давлат бошқарувида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, ҳар қандай қонун ёки дастурнинг ҳақиқий самараси унинг ҳаётимиздаги амалий тасдиғи билан ўлчанади. Агар ижро тизимида узиллишлар, масъулиятсизлик ёки сунъий кўрсаткичлар устувор бўлса, энг яхши ташаббус ҳам аросатда қолиб кетаверади. Шу боис сўнгги йилларда Сенат фаолиятида айнан ижро устидан назоратни кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани бежиз эмас.

Сенат мажлисларида турли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботлари мунтазам равишда эшитилиб келинмоқда. Расмий ҳисоботларда, одатда, ижобий динамика, амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар қайд этилади. Бир қарашда бу маълумотлар давлат сиёсати жойларда изчил амалга оширилаётганини кўрсатади. Бироқ масалага чуқурроқ назар ташланса, баъзи ҳолларда ушбу рақамлар ортида реал вазият тўлиқ акс этмаётгани маълум бўлади.

Масалан, бандлик соҳасидаги ҳисоботларда минглаб янги иш ўринлари яратилгани қайд этилган бўлса-да, айрим худудларда аҳоли орасида ишсизлик муаммоси сақланиб қолаётганидан кўз юмолмаймиз. Бу шундан далолат берадики, яратилган иш ўринлари кўпинча мавсумий, вақтинчалик ёки кам даромадли бўлиб, аҳолининг реал эҳтиёжларини тўлиқ қондирмаяпти. Шунингдек, айрим ҳолларда минглаган рақамларда келтирилаётган иш ўринлари ҳисоботларда бор, аммо асл ҳолат бу рақамлар "шиширилган"ни кўрсатади. Сенаторларнинг жойларга чиқиб ўтказган ўрганишлари айнан шу каби номутаносибликларни очиб бериб, мутасаддиларга аниқ ва қатъий талаблар қўйилишига асос бўлмоқда.

Аслида қонунлар ҳамда ислохотларнинг ҳақиқий ижросини билиш учун худудларга чиқиб, ҳаётни ўз кўзинг билан кўриш ва солиштириш, халқ билан мулоқот қилиш энг тўғри йўлдир. Шу йўсинда сенаторлар фойдали ва долзарб қарорлар қабул қилишлари мумкин. Масалан, ичимлик суви таъминоти бўйича айрим худудларда юқори кўрсаткичлар қайд этилган бўлса-да, амалда аҳоли ҳали ҳам сувни узоқ масофадан ташиб ичишга мажбур бўлаётган вазиятларга кўп дуч келамиз.

Бу эса инфратузилма лойиҳалари тўлиқ яқунланмагани ёки уларнинг сифат жиҳатдан талабга жавоб бераётганини кўрсатади.

Сенаторлар томонидан бундай ҳолатлар аниқланганча, масала жиддий кўриб чиқилиб, қўшимча маблағ ажратиш, лойиҳаларни қайта кўриб чиқиш ва ижро муддатларини белгилаш каби чоралар амалга оширилади. Энг муҳими, бу жараён бир мартагина текширув билан чекланиб қолмайди, балки кейинги назорат босқичлари орқали унинг ижроси ҳам кузатиб борилади. Ана шу тизимли ёндашув назоратнинг ҳақиқий самарадорлигини кафолатламоқда.

Сир эмас, Сенат назоратининг муҳим йўналишларидан бири – парламент сўровлари давлат органлари ва мансабдорларни ҳисобдорликка тортишининг энг самарали усулига айланган.

Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида Олий Мажлис Сенати томонидан 90 та парламент сўровлари юборилди. 1 700 дан ортиқ масала бўйича аниқ топшириқлар берилди. Бу сўровлар орқали бюджет маблағлари ва давлат дастурлари самарадорлиги, аҳолига хизмат кўрсатиш сифати аниқланди.

Масалан, экологик муаммолар юзасидан юборилган сўровлар натижасида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатаётган айрим лойиҳалар қайта кўриб чиқилгани, қурилиш соҳасидаги қонунбузилишлар аниқланиб, ноқонуний объектлар фаолияти тўхтатилгани каби ҳолатлар парламент назоратининг самарали таъсир кучига эга эканини кўрсатади.

Айниқса, аҳоли муҳожаатлари асосида кўтарилаётган масалаларнинг Сенат даражасига олиб чиқилиши ва улар бўйича тегишли чоралар кўрилиши жамоатчиликнинг давлат бошқарувида бўлган ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Чунки фуқаролар ўз муаммолари юқори даражада эшитилаётгани ва улар тўғри ечим топаётганининг амалда гувоҳи бўлишмоқда.

Шу билан бирга, таҳлиллар кўрсатмоқдаки, муаммоларнинг асосий қисми қонунларни ишлаб чиқишда эмас, балки уларни ижро этиш босқичида юзага келмоқда. Ижтимоий ҳимоя, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, таълим ва соғлиқни сақлаш каби соҳаларда қабул қилинган қонунлар

мазмун жиҳатдан етарлича пухта бўлса-да, уларнинг амалда тўлиқ ишламаётгани кузатилмоқда. Бу эса, аввало, кўйиб бўғинларда масъулиятнинг етарли эмаслиги, ҳали-ҳамон бюрократик тўсиқлардан халос бўлмаётгани ва назорат механизмларининг тўлиқ ишламаётганидан далолатдир.

Масалан, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича яратилган имтиёзлар амалда баъзан ортиқча ҳужжат талаблари ёки маҳаллий даражадаги сунъий тўсиқлар сабаб лозим даражасида ишламаяпти. Бу эса қонуннинг мазмунини эмас, балки унинг ижросида муаммо борлигини англатади. Сенат айнан шу нуқтага – ижро тизимининг энг "огрикли жойи"га эътибор қаратаётганини таъкидлаб ўтиш жоиз.

Яна бир муҳим масала. Барчага маълумки, сўнгги йилларда Сенат фаолиятида очиқликни таъминлаш борасида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда. Мажлислар, муҳокамалар ва қабул қилинаётган қарорлар оммавий ахборот воситалари орқали ёритилиб, жамоатчиликка етказилмоқда. Бу, ўз навбатида, давлат органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга замин яратмоқда.

Бироқ очиқликни таъминлашнинг асосий шарты бор. Бу эришилган натижаларни кўрсатишдир. Яъни, фақат қабул қилинган қарорлар ёки ўтказилган йиғилишлар ҳақида маълумот бериш эмас, балки улар натижасида қандай ўзгаришлар бўлганини халқимизга очиқ ва аниқ кўрсатиш зарур. Чунки жамоатчилик учун қарор ёки рақамлар эмас, натижа ҳаммасидан муҳим. Натижаки, халқ учун, оддий одамлар учун қандай фойдаси бор, жойларда йиғилиб қолган муаммоларга узил-кесил ечим бўладики, мана шу рақурсадан қараш оддий тус олмақда. Шу нуқтаи назардан Сенат ҳам ўз фаолиятида маъқур жиҳатга жиддий масъулият билан ёндашапти.

Умуман олганда, Сенатнинг назорат фаолияти сўнгги йилларда мазмун жиҳатдан бойиб, тизимлашиб бормоқда. Жойларда ижтимоий-иқтисодий муаммолар аниқланмоқда, масъуллар ҳисобдор бўлмоқда ва қатор соҳаларда ижобий қадамлар ташланмоқда. Шу билан бирга бу жараённи янада самарали қилиш учун назоратнинг таъсирчанлигини ошириш, қарорлар ижросини изчил ва қатъий кузатиб бориш, кўйиб бўғинда шахсий масъулиятни кучайтириш каби масалалар ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Чунки бир ҳақиқат бор. Кучли назорат тизими мавжуд бўлган жойда давлат бошқаруви самарали ишлайди. Акс ҳолда эса энг яхши қонунлар ҳам қоғозда қолиб кетиши муқаррар.

**"Ўзбекистон овози" мухбири Фариди МАҲҚАМОВА ёзиб олди.**



## ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ

# Доимий комиссияларда депутатлар фаол бўлса муҳокама қизгин, натижа ижобий бўлади

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Доимий комиссияларнинг асосий вазифаси қарорлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш, ижро органлари фаолиятини назорат қилиш, ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ўрганиш ва аҳоли муурожаатларини кўриб чиқишдан иборат.

Масалан, бюджет ва иқтисодиёт масалалари бўйича комиссиялар молиявий ресурсларнинг самарали тақсимланишини таҳлил қилади, ижтимоий соҳалар бўйича комиссиялар эса таълим, соғлиқни сақлаш ва аҳоли фаровонлиги билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқади. Доимий комиссиялар таркибдаги ишчи гуруҳлар аҳолини ўйлантираётган муаммоларни ўрганиб, таҳлил қилганидан сўнг маълумотларни сессияларга тақдим этади.

Бир сўз билан айтганда, ҳудудлардаги муаммоли масалаларнинг таҳлили ва ечими кўп жиҳатдан уларнинг фаолиятига боғлиқ.

Хўш, бугун маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишларида қандай масалалар муҳокама марказига қўйилмоқда? ЎзХДП депутатларининг бу борадаги фаоллиги қандай?

Ушбу саволлар билан фаолларимиз ва депутатларимизга юзландик.

**Сирожддин ШОНАЗАРОВ,**  
ЎзХДП Марказий Кенгаши бўлим бошлиғи:



– Сўнгги икки ойлик таҳлиллар шуни кўрсатадики, бугунги кунда комиссиялар фаолиятида асосий эътибор масалалар сонига эмас, балки уларнинг мазмуни ва аҳоли ҳаётига таъсирига қаратилмоқда. Яъни “Қанча масала кўрилди?” деган савол ўрнини аста-секин “Қандай масалалар кўтарилди ва улар қандай ҳал этилди?” деган мазмундор ёндашув эгалламоқда.

Доимий комиссиялар кун тартибига қўйилаётган масалалар асосан аҳолининг кундалиқ ҳаёти билан бевосита боғлиқ йўналишларни қамраб олган. Жумладан, камбағалликни қисқартириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, бандликни таъминлаш, коммунал хизматлар – электр энергияси, газ ва ичимлик суви таъминоти, тиббий хизматлар сифатини ошириш, таълим муассасаларидаги шароитлар, шунингдек, йўл ва инфратузилма муаммолари асосий мавзулар сифатида шаклланди. Шу билан бирга, мансабдор шахслар ҳисоботларини эшитиш орқали ижро интизомини кучайтириш ҳам доимий комиссиялар фаолиятининг муҳим йўналишига айланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, аввалги йилларда маҳаллий Кенгашлар кўпроқ формал орган сифатида фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларни ҳақиқий назорат институтига айлантиришга қаратилган механизмлар жорий этилмоқда.

Энди ўйлаб кўрайлик, мамлакатимизда 200 га яқин туман ва шаҳар Кенгашлари бўлса, уларнинг ҳар бирида ўртача 5 тадан доимий комиссия бўлади. Умумий ҳисобда сони мингтадан ортиқни ташкил этади. Агар уларнинг ҳар бирида битта муаммо кўриб чиқилса, демак, 1000 дан ортиқ маҳаллий даражадаги масала муҳокама қилинди, жоиз бўлса, ҳал этилди, дегани.

Депутатларимизнинг бу

борадаги фаолиятига назар ташласак, жорий йилнинг январь ва февраль ойларида уларнинг ташаббуси билан партияимиз электорати манфаатларига дахлдор бўлган 100 дан ортиқ масала доимий комиссияларда кўриб чиқилган. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Наманган, Фарғона, Қашқадарё вилоятидаги депутатларимизнинг натижалари анча юқори.

Айниқса, Фарғона вилояти мисолида доимий комиссиялар фаолиятининг ижтимоий йўналтирилганлиги яққол намоён бўлади. Улар асосан,



**ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАРНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАСИ ҚАРОРЛАР ЛОЙИХАЛАРИНИ ПУХТА ИШЛАБ ЧИҚИШ, ИЖРО ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ, ҲУДУДЛАРДАГИ ИЖТМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МУАММОЛАРНИ ЎРГАНИШ ВА АҲОЛИ МУРОЖААТЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚИШДАН ИБОРАТ.**

кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш, ишсизликни камайтириш, янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, ичимлик суви ва коммунал хизматлардаги узиллишларни бартараф этиш каби долзарб масалаларни қамраб олган.

Қашқадарё вилоятида эса доимий комиссиялар фаолияти кенг қамровли ва тизимли ёндашуви билан ажралиб туради. Ушбу ҳудудда кўтарилган масалалар орасида қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, йўллар таъмири, транспорт тизимини яхшилаш, электр ва газ таъминотидаги узиллишларни бартараф этиш каби йўналишлар устувор аҳамият касб этган. Комиссиялар йиғилишларининг кўплиги ва уларда муҳокама қилинган масалаларнинг ҳаётийлиги ҳудудда муаммоларни комплекс ҳал қилишга интилиш мавжудлигини англатади.

Навий вилоятида доимий комиссиялар фаолияти “аниқ муаммо – аниқ ечим” тамойили асосида ташкил этилаётганини кузатиш мумкин. Жумладан, тиббиёт муассасаларида кадрлар етишмовчилиги, ичимлик суви таъминотидаги муаммолар, ижтимоий хизматлар сифатини яхшилаш каби манзилли масалалар кўтарилган ва уларнинг катта қисми қонуний ҳал этилган. 52 та депутатлик сўровидан 46 тасининг ижобий натижа билан яқунлангани бу ёндашувнинг самарадорлигини тасдиқлайди.

Самарқанд вилоятида эса доимий комиссиялар фаолиятида ижро интизомига алоҳида эътибор қаратилган. Бу ерда таълим ва тиббиёт муассасалари ҳолати, аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматлари сифати, коммунал соҳадаги камчиликлар каби масалалар кўтарилган бўлиб, уларнинг аксарияти ижобий ҳал этилган. Бу ҳолат комиссиялар фаолиятида

фақат масалани кўтариш эмас, балки унинг ижобий ечимини таъминлаш устувор эканини кўрсатади.

Тошкент вилояти мисоли эса маълум маънода таҳлил ва хулоса чиқариш учун асос бўлади. Вилоятда ер ажратиш, қурилиш, инфратузилма ва аҳоли муурожаатлари билан боғлиқ муаммолар кенг муҳокама қилинган. Бирок, уларнинг ижобий ҳал этилиши нисбатан паст бўлиб, бу ҳолат доимий комиссиялар ишида назорат механизмларини янада кучайтириш, қабул қилинган қарорлар ижросини таъминлаш тизимини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатади.

Энг муҳим жиҳат шундаки, бугун доимий комиссиялар фаолиятида мазмун устувор бўлмоқда. Бу эса маҳаллий Кенгашларнинг ҳақиқий вакиллик органи сифатидаги роли кучайиб бораётганини англатади.

**Дониёр ҲАМРАҚУЛОВ,**  
халқ депутатлари  
Бағдод туман Кенгашидаги  
ЎзХДП депутати:



– Бугун депутатлар анча уйғок. Атрофга, жамиятга, сайловчилар ҳаётига дахлдорлик бор уларда. Буни келаётган муурожаатларда, ўрганилаётган масалаларда кўришимиз мумкин.

Ҳозирги кунда маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар йиғилишлари жуда қизгин йўлмоқда. Бу кўп жиҳатдан уларнинг ваколатлари кенгайиши ва назорат функцияларининг кучайиши билан боғлиқ. Мулоқот жараёнида аъзолар нафақат ҳисоботларни эшитади, балки муаммоларни муҳокама қилиб, таклифлар киритиш имконига эга.

Турли нуқтаи назарлар кўриб чиқилади ва тезкор ечимлар топиш учун компромисслар қидирилади. Бу жараён маҳаллий Кенгашларни нафақат назорат органи, балки амалий сиёсий майдонга айлантирмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида партия депутатларининг ташаббуси билан доимий комиссияларда электоратимиз манфаати билан боғлиқ бир қатор масалалар муҳокама этилди.

Масалан, камбағал оилалар учун имтиёзли кредитлар ва субсидиялар ажратиш ҳамда ҳар бир оиллага индивидуал ёндашув асосида бандлик, тadbirkorлик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чораларини кучайтириш, “Оғир маҳалла” сифатида белгиланган ҳудудларда деҳқончилик, чорвачилик ва кичик ишлаб чиқариш йўналишлари бўйича ихтисослашувни ташкил этиш орқали аҳолининг даромад манбалари кенгайтириш билан боғлиқ масалалар ўрганилди ва тегишли доимий комиссия муҳокамасига олиб чиқилди.

Шу билан бирга, “Агростар” ҳамкорлигида сифатли уруғ ва кўчатларни етказиб бериш ҳамда маҳсулотларни кафолатли сотиб олиш тизимини йўлга қўйиш, 9 та маҳаллада кичик

фотоэлектр станцияларини ташкил этиш учун ер ажратиш,



**ЭНГ МУҲИМ ЖИҲАТ ШУНДАКИ, БУГУН ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ФАОЛИЯТИДА МАЗМУН УСТУВОР БЎЛМОҚДА. БУ ЭСА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРНИНГ ҲАҚИҚИЙ ВАКИЛЛИК ОРГАНИ СИФАТИДАГИ РОЛИ КУЧАЙИБ БОРАЁТГАНИНИ АНГЛАТАДИ.**

қуриш ва фойдаланишга топшириш ишларини жадаллаштириш таклиф ва ташаббуслари ҳам доимий комиссияларда кўриб чиқилди.

Масалан, шу йилнинг 27 март куни халқ депутатлари Бағдод туман Кенгашининг маҳаллий бюджет, тadbirkorликни ривожлантириш ва иқтисодий ислохотлар масалалари бўйича доимий комиссияси йиғилишида давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 23 сентябрдаги “Камбағалликни қисқартириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш борасидаги чора-тadbirkorликни янги босқичга олиб чиқиш тўғрисида”ги фармони ижроси бўйича туман камбағалликни қисқартириш ва бандлик бўлими бошлиғи Ф. Маматқулов ҳисобот берди.

Маълум бўлишича, 2025 йил бошида туманда 5675 та камбағал оилалар мавжуд бўлиб, камбағаллик даражаси 10,8 фоизни ташкил этган. 2025 йил январь-декабрь ойлари давомида 2477 та оила камбағалликдан чиқарилиб, камбағаллик даражасини йил бошига нисбатан 6,5 фоизга камайитиришга эришилган.

Кайд этилдики, тумандаги 395 та камбағал оила вилоят ва туман раҳбарларига 5 тадан бириктирилган. Раҳбарлар ҳар ой икки мартаба хонадонларга бориб, маҳалла еттилиги билан биргаликда ҳар бир оила учун индивидуал режа ишлаб чиқмоқда. Ушбу тизим оилаларни камбағалликдан чиқариш ва уларнинг иқтисодий фаоллигини оширишда самарали натижа бермоқда.

Шу куни йиғилишида туманда камбағалликни қисқартириш бўйича олиб борилган барча ишлар ипидан-игнасиғача таҳлил этилди. Ҳисоботдан сўнг муҳокамалар бошланди. Таклифлар билдирилди, доимий комиссия қарори қабул қилинди.

Тўғри, бугун маҳаллий Кенгашлар, улардаги доимий комиссиялар, сессиялар илгарига қараганда анча фаоллашган. Кенгашларда бир қатор долзарб масалалар бўйича ҳисоботлар тингланмоқда, қарорлар муҳокама учун тақдим этилмоқда. Аммо фақат ҳисобот бериш, қарор қабул қилиш билан иш битмайди. Албатта, уларнинг ижроси назоратга олиниши, ҳар бир масаланинг ечими учун охиригача курашиш керак бўлади.

**Нуриддин ХОЛМАТОВ,**  
ЎзХДП Жиззах вилоят  
кенгаши раиси:



– Аҳолининг давлат ва жамият томонидан мақсадли қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезаётган қатлами орасида қанча кўп бўлса, уларнинг муаммоларини ўрганиб, амалий ёрдам кўрсатсак, партияимизга ишончни шунча мустаҳкамлаган бўламиз. Шу боис, депутатлар ўз сайлов округида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларининг қай даражада амалга оширилаётганини мунтазам равишда назоратга олиб, таҳлил этиб бориши керак.

Ҳар бир депутат ўзи сайланган ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳолатини яхши билса, юзага келаётган масалаларни чуқур ўрганса, уларни бартараф этиш бўйича аниқ таклифлар билдира олади.

Бу жараёнда, аввало, маҳаллий Кенгашлардаги доимий комиссиялар ваколатларидан кенг фойдаланиш мақсада мувофиқ, деб ўйлайман. Чунки доимий комиссиялар ҳудудларда аҳолини ўйлантираётган масалалар ечими бўйича амалий таклифларни шакллантиришда муҳим ўрин тутди. Сессия муҳокамасига ҳам масала тегишли доимий комиссия орқали киритилади.

Шу боис партияимиздан сайланган ҳар бир депутат доимий комиссияларда электротат манфаати билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий масалаларга ечим топишда фаоллик кўрсатиши керак бўлади.

Тўғри, бу борадаги амалий ишлар жуда кўп. Айрим ҳудудларда комиссиялар фаол ва ташаббускор ишлаётган бўлса, айримларида, аксинча, уларнинг фаолиятида деярли ўзгариш сезилмапти. Бунинг асосий сабаби айрим депутатларнинг малака ва тажрибаси, маҳаллий аҳоли билан ҳамкорлик даражаси ҳамда ресурсларнинг турличалиги билан боғлиқ, деб ўйлаймиз.

Яна бир гап. Ҳар бир доимий комиссияда йиғилишлар ҳар доим қизгин ва муҳокамаларга бой ўтмайди. Айрим аъзолар бепарволик билан телефон “ковлаб” ўтириши, ҳатто қўл кўтариб тасдиқлашда ҳам ҳафсаласизлик қилиши кузатилади. Шу маънода депутатлик, аввало, ўзини, жамоатчиликни ҳурмат қилишдан бошланади.

Ҳар бир доимий комиссия фаолиятининг самарадорлиги фақат йиғилишлар ўтказиш билан чегараланмайди. Комиссиялар аҳоли муаммолари таҳлили асосидаги қарорлари билан реал ҳаётга таъсир кўрсатадиган фаол институтга айланиши муҳим.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
“Ўзбекистон овози”  
муҳбири.

## ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИ

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ  
ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН  
МУРОЖААТ

инсон омили камайиши ва адолатли қарор қабул қилинишига хизмат қилмоқда



**Халқ демократик партиясининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан кам таъминланган оилаларни аниқлаш механизмларининг амалдаги ҳолати, ижтимоий нафақаларни тайинлашда электрон тизимлардан фойдаланиш самарадорлигига бағишланган жамоатчилик эшитиш ташкил этилди.**

**Тадбирни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг қўмита раиси Бердибек Сейтназаров очиб берди.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесидеги партия фракцияси раҳбари Ҳалилла Ешимбетов жамоатчилик эшитишнинг асосий мақсади ҳамда шаҳар ва туманларда фаолият юритаётган "Инсон" ижтимоий хизматлар марказларида олиб борилган ўрганишлар натижалари хусусида батафсил тўхталди.

Таъкидландики, ҳозирги кунда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги томонидан 115 турдаги хизматлар кўрсатиб келинмоқда. Худудда 54 237 фуқаро Ижтимоий реестрга киритилган, 70 минг нафар ногиронлиги бўлган шахслар рўйхатга олиниб, ижтимоий хизматлардан фойдаланмоқда.

Маълумотларга қараганда, 2025 йил давомида кам таъминланган оилалар ва уларнинг фарзандларига нафақа ҳамда моддий ёрдам тайинлаш учун тақдим этилган жами 237 332 ариза белгиланган муддатларда кўриб чиқилган.

Болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун масофадан электрон шаклда ариза билан мурожаат қилиш натижасида нафақат одамларнинг вақти ва маблағлари тежалмоқда, балки инсон омили, адолатли қарор қабул қилинишига ишонч ортмоқда.

Электрон тизимдан фойдалана олмайдиган тоифадаги оилаларга болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш бўйича маҳаллаларда хизмат кўрсатувчи

ижтимоий ходимлар томонидан аризаларни планшет орқали электрон қабул қилиш ташкил этилган.

Жойлардаги ўрганиш жараёнларида мана шу йўналишдаги ишларнинг самарадорлигини таъминлаш борасида мурожаатлар ва таклифлар ҳам бўлди. Айниқса, ахборот алмашиш инфратузилмаси

ривожланмаган ҳудудларда эҳтиёжманд оилалар билан бевосита мулоқот асосида ишлаш жуда муҳим.

Жамоатчилик эшитишда мурожаатлар қандай шаклда ва тартибда берилишидан қатъи назар, тезкор равишда манзилли кўриб чиқилиши лозимлиги таъкидланди. Халқ демократик партияси депутатлари депутатлик назоратини амалга оширишда мана шу тамойилга суяниши билдирилди.

Фуқароларнинг аризаларига асосан болалар нафақаси ва моддий ёрдам учун электрон шаклда ариза топширишда тўсиқлар камайди, яъни

қоғозбозлик йўқ бўлди. Шунингдек, қарор қабул қилиш муддати камайди. Албатта, бу борада ҳудудлардаги мутасадди ходимлар катта масъулият ва фаоллик билан ишлаши талаб этилади.

Эшитишда яна бир муҳим масалага эътибор қаратилди. Бу – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги бошқармаси билан бирга партиянинг электорати вакилларининг ҳуқуқий ва ахборот технологияларида хабардорлигини ошириб боришидир.

Ҳозир уйдан чиқмасдан ёки ишдан, машғулотида узилмасдан, йўлларга чиқиб,

““

**ЖАМОАТЧИЛИК ЭШИТУВИДА МУРОЖААТЛАР ҚАНДАЙ ШАКЛДА ВА ТАРТИБДА БЕРИЛИШИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, ТЕЗКОР РАВИШДА МАНЗИЛЛИ КЎРИБ ЧИҚИЛИШИ ЛОЗИМЛИГИ ТАЪКИДЛАНДИ.**

овора бўлмасдан, электрон платформалар орқали мурожаат йўллаш ва масалаларни ҳал қилиш мумкин, қўлайликлар кўп. Лекин ўрганишлар аҳолимиз бу янгиликлардан етарлича хабардор эмаслигини кўрсатди. Тарғибот ишларини ҳамкорликда кучайтиришга келишиб олинди. Чунки партиянинг электорати манфаатлари ҳимояси учун бу муҳим масаладир.

**ЎзХДП Марказий Кенгаши Ахборот хизмати.**



## ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

## Тошкент вилояти:

## “СИЁСАТДАГИ ЁШЛАР” ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТУРНИРИ

**Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгаши ташаббуси билан Чирчиқ давлат педагогика университетининг талабалари иштирокида “Сиёсатдаги ёшлар” интеллектуал турнири ташкил этилди.**

Мазкур тадбир ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг сиёсий билимларини мустаҳкамлаш ва тафаккур доирасини кенгайтириш, шунингдек, жамоавий ишлаш кўникмаларини ривожлантиришга қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг масъул ходимлари, университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар иштирок этди.

Турнирда жами 6 та жамоа иштирок этиб, улар турли соҳаларга оид саволлар асосида ўзаро беллашишди. Қатнашчилар мантиқий

фикрлаш, тезкор қарор қабул қилиш ва жамоавий ҳамжиҳатликни намоён этган ҳолда қизғин баҳс олиб боришди.

Тадбир якунида энг фаол ва билимдон жамоалар аниқланиб, уларга партия томонидан диплом ва эсдалик совғалар топширилди.



## Қашқадарё:

## ФАОЛ АЁЛЛАР САФИМИЗГА ҚЎШИЛДИ

Ўзбекистон ХДП Муборак туман кенгаши раиси Б.Чориев ва халқ депутатлари Муборак туман Кенгаши депутати Ю.Торосова иштирокида тумандаги “Ёшлик” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган “Престиж” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Жозибали овоз” ўқув марказида хотин-қизлар билан учрашув ўтказилди.

Учрашувда хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш, ўзини-ўзи банд қилганлик учун яратилаётган имкониятлар бўйича депутат Ю.Торосова томонидан тушунчалар берилди. Шунингдек, партия Сайловолди дастури ва ундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан



амалга оширилаётган ишлар ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Учрашув сўнггида марказнинг фаол хотин-қизлари партия сафига қабул қилиниб, аъзолик гувоҳномалари топширилди.

## ҲАМКОРЛИК МЕМОРАНДУМИ ИМЗОЛАНДИ

**Ўзбекистон ХДП Оҳангарон туман кенгаши ҳамда туман оила ва хотин-қизлар бўлими билан биргаликда гендер тенглик ва хотин-қизлар масаласига оид давра суҳбати ўтказилди.**

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадларида хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш муҳим ўрин эгаллаган. Хотин-қизларимизнинг ҳаётидаги муаммоларни ўрганиш, уларга ижобий ечим топиш, гендер тенгликни таъминлаш юзасидан иштирокчилар ўртасида қизғин муҳокама ва баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Айниқса, туманнинг энг олис ҳудудларидаги хотин-қизларимизнинг жамиятнинг фаол ҳаётига кенг жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда Ўзбекистон ХДП туман кенгаши ва туман оила ва хотин-қизлар бўлими

билан ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Ҳамкорлик натижасида тумандаги барча ҳудудларда хотин-қизларимизга амалий ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилади.



## Самарқанд:

## ФУҚАРОЛАРНИНГ РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИГИНИ САҚЛАШ – УСТУВОР ВАЗИФА

“Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини сақлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ижроси юзасидан ҳудудларда ўрганиш ишлари олиб борилди.

Хусусан, Самарқанд тумани Кенгаши депутати Замира Ҳайдарова “Юқори туркман” маҳалласида жойлашган оилавий шифокорлик пунктида аҳоли ўртасида репродуктив саломатликни тарғиб қилиш, профилактик тадбирлар ва тиббий хизматлар сифатини атрофлича таҳлил қилди.

Ўрганиш жараёнида асосий эътибор тиббий муассасада репродуктив

саломатлик хизматларининг сифати, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига қаратилди. Аниқланган камчиликлар юзасидан масъулларга тавсиялар берилди.



9 АПРЕЛЬ – СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



# АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР

## ДАВРИДА ИЛМ-ФАНГА ҲОМИЙЛИК

### ДАВЛАТ СИЁСАТИГА АЙЛАНГАН

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳазрат Навоий Амир Темурнинг илм ва маънавият аҳлига кўрсатган ғамхўрлиги ҳақида шундай деган: "Агар Темур қаерда фан, маданият ва санъат аҳлини учратса, уларни ўз ҳомийлигига олар, уларга иззат-икром кўрсатар, уларнинг тарбиясига аҳамият берар ҳамда бу зотлардан ўз олий мажлисида надим (маслаҳатчи) сифатида ва бошқа лавозимларда фойдаланарди". Машҳур тарихчи Ибн Арабшоҳ эса ўз битикларида "Темур олимларга меҳрибон, саййида шарифларни ўзига яқин тутар эди. Уламо ва фузалого тўла иззат-ҳурмат кўрсатиб, уларни ҳар қандай одамдан тамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз мартабасига қўйиб, иззату икромини унга изҳор қиларди", дея ёзиб қолдирган.

Амир Темур ҳукмронлиги даврида кўзга кўринган буюк қомусий олимлардан бири Саъдуддин Масъуд ибн Умар Тафтазонийдир. Самарқандда Амир Темур саройида фаолият юритган бу олимнинг математикага оид икки йирик асари бугунгача сақланиб қолган. Уларнинг биринчиси – "Шарҳ ар-рисола аш-шамсийя" ("Шамсийя" рисоласининг шарҳи) асари туронлик таниқли олим Низомиддин Найсобоурийнинг мансуб "Ар-рисола аш-шамсийя фил-ҳисоб" ("Ҳисоб илми бўйича шамсийя рисоласи") асарига тушунтириш ва тўлдирма йўсинида ёзилган. Асарда бутун ва каср сонлар тўғрисида амаллар, исталган даражадан илди чиқариш, олтишлик ҳисоб, геометрия ва алгебрадаги бошқа масалалар хусусида сўз юритилади. Олимнинг кейинги асари - "Рисола фи завоеъ ал-мусаллас" ("Учбурчакнинг бурчақлари тўғрисида рисола") тригонометрияга доир бўлиб, учбурчаклар устида амаллар тўғрисидадир.

Яна бир қомусий олим Зайниддин Абул-Ҳасан Али ибн Муҳаммад Саййид Шариф Журжоний (1340-1413 йиллар) йиғирма йилга яқин Самарқандда фаолият юритиб, аниқ ва табиий фанларга доир ўнта асар ёзиб қолдирган. Жумладан, "Мақолид ал-улум фи ҳудуд ва ар-русум" ("Қодалар ва чегаралар тўғрисидаги билимларнинг қалитлари") асари қомусий бўлиб, унинг 14-бўлими геометрия, 15-17-бўлимлари ҳисоб билими ва мусикага доирдир. Олим ўзигагина бўлган мусулмон ва юнон мутафаккирларининг ишларидан яхшигина хабардор бўлган, уларга тушунтириш ва тўлдирмалар ёзган. "Ҳошия ғалаа Шарҳ мухтасар ал-Усул" ("Эвклиднинг "Негизлар" асари қисқартмасининг шарҳига тўлдирма"), "Ҳошия ғалаа Таҳрир Насирудин Тусий ли-китоб ал-усул ли-Уқлидид" ("Эвклиднинг "Негизлар" китобига Насириддин Тусий ёзган шарҳга тўлдирма") асарлари шулар жумласидан бўлиб, геометрияга тааллуқли рисола саналади. Саййид Шариф Журжоний математика бўйича билимларини амалиётга татбиқ этган. У бу соҳага доир Сирожиддин Симовандийнинг (12-13-юз йилликлар) "Ал-фароиз ас-сирожийя" ("Сирожиддиннинг мерос илмига доир асари") рисоласига шарҳ ёзган.

Қомусий олимлар сафида пешқадамлардан яна бири Ғиёсиддин Жамшид Кошийнинг "Мифтоҳ ал-ҳисоб" ("Ҳисоб билими қалити") асари ҳам бутун ва каср сонлар устида амаллар, исталган даражадан илди чиқариш, икки ҳадли формулалар, олтишлик санок тизимидаги амаллар бўйича ёзилган муҳим рисола саналади. Асарда, шунингдек, геометриядаги билимларнинг амалиётга татбиқига махсус бўлим ажратилган, унда тошлар ёрдамида ҳажми ҳисоблаш, пештоқ, гумбаз, кубба, муқарнасларнинг юзасини ҳисоблаб чиқариш хусусида сўз юритилган.

Али Қушчи (1402-1472 йиллар) эса ўз асарларида сонларга нисбатан мусбат ва манфий сифатларини қўллаган, бу орқали бутун дунёда бу мазкур атамалар ёйилишига, ҳозирги алгебранинг ривожига ўзининг муҳим ҳиссасини қўшган.

Шарафиддин Али Яздий (ўлими 1454 йил) аниқ фанлар билан шугулланган қомусий олим бўлиб, "бармоқ ҳисоби", яъни бармоқлардаги бўғимлар орқали амалга ошириладиган ҳисоб тури тўғрисида махсус асар ёзган. Шунингдек, у математиканинг

# “

СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ВА ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ИЛМ-ФАН РИВОЖИ ЮКСАК ПОҒОНАГА ЧИҚДИ, СОҲА АҲЛИГА ИЗЗАТ-ИКРОМ КўРСАТИЛДИ. ОЛАМШУМУЛ КАШФИЁТЛАР ЭСА БАНИ БАШАР ТАМАДДУНИДА БЕКИЁС ЎРИН ТУТИБ, АСРЛАР ОША МАНГУ ЯШАБ КЕЛМОҚДА.

сеҳргарлик билан боғлиқ томонларни, жумладан, сеҳрли квадрат ва сонларни ҳам чуқур ўрганган, ўзининг бир асарида шулар хусусида сўз юритган.

Темурийлар ҳукмронлиги чоғида астрономия илми ҳам юксак даражада ривожланди. Олимлар ўзларигагина бўлган мутафаккирларнинг асарларини чуқур ўрганиб, улардаги ғояларни, хусусан, Ер Кўёш атрофида айланиши тўғрисидаги назарияни давом эттиришди. Низомиддин Баздавий (14-юз йиллик) Насириддин Тусийнинг (1201-1274 йиллар) ғояларини ривожлантирди, унинг "Ат-тазқира ан-насирийя фи илм ал-хайъа" ("Астрономия илми бўйича Насириддиннинг тазқираси") асарига шарҳ ёзди. Шарҳда осмон жисмлари, уларнинг ўлчамлари ва улардан Ерғача масофа хусусида сўз юритилган.

Саййид Шариф Журжоний Насириддин Тусий ва Махмуд Чағминийнинг (ўлими 1221 йил) қарашларини ривожлантирди, Чағминийнинг "Ал-мулаххас фи ал-хайъа" ("Астрономия бўйича қисқача асар") рисоласига шарҳ ёзди.

Жамшид Кошийнинг бизгача астрономияга доир 20 га яқин асари етиб келган бўлиб, уларда коинот тузилиши, Ердан осмон жисмларигагина масофалар, осмон жисмларининг ҳажмини ҳисоблаш тушунтирилган. Коший 2 та зиж (астрономик жадвал) тузган, "Зиж жадиди Кўрагоний" жадваллари тузилишида қатнашган, бу асарни арабчага таржима қилган.

Хусайн Хоразмий Кубравий (ўлими 1435 йил) Чағминий қарашларини давом эттирган, "Мулаххас"га шарҳ ёзиб, уни Мирзо Улуғбекка тақдим қилган. У олам тузилиши тўғрисидаги бошқа асарини эса Улуғбекнинг ўли Абулғазизга атаган. Қозизода Румий Чағминий ва Тусийнинг асарларини шарҳлаш билан бирга қибла йўналишини, меридиан чизиқларини топиш тўғрисида рисолалар ёзган.

Темурийлар сулоласидан бўлган улуг ҳукмдор, машҳур астроном ва математик, Шохрух Мирзонинг ўғли ва Амир Темурнинг набираси Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394-1449 йиллар) биринчилардан бўлиб доимий ўрнатилган астрономик асбобларни курган. 1410-йилларда Самарқандда астрономик фаолиятини бошлаган. Расадхонада кузатишларни 1420 йилдан 1437 йилгача тизимли равишда олиб борган. Бу кўзатишлар сайёраларнинг келажакдаги ўринларини аниқлаш учун ҳаракат жадвалларини янгилаш мақсадида ўтказилган.

Сайёраларни кузатиш ва юлдузларнинг нисбий ўрнини аниқлаш учун бир қанча асбоблар ишлатган. Самарқанддаги Фахри секстанти шимолий-жанубий меридиан чизиғига ўрнатилган 60 градуслик тош ёй эди. Бундай асбоб юлдузларнинг баландликларини (яъни уларнинг уфқдан энг катта бурчак масофаларини) аниқлаш учун ишлатилган. Бу билан йил давомида кузатишлар Кўёшнинг энг жанубий ва шимолий ўринларидан уфқнинг қиялиги (яъни Ер айланиш ўқининг унинг орбита

текислигига нисбатан қийшайиши) осонгина аниқланган. Фахри секстанти ҳозиргача қурилган энг катта меридиан асбоби саналади.

Самарқандда бир вақтда икки киши шахсий кузатишлар ўтказган, натижалар муҳокама қилинган. Мирзо Улуғбек Самарқанддаги расадхонада жойлашган асбоблар билан Птолемейникидан бошқача бўлган янги таҳлилга асосланган, 1019 юлдуздан иборат юлдузлар жадвалини тузди, Птолемейнинг асарида қўллаб хатолар борлигини аниқлади.

Улуғбекнинг "Зиж" асари сўзбоши тўрт қисмдан иборат: 1) вақтни ҳисоблашнинг турли тизимларини тавсифловчи хронология; 2) амалий астрономия (кузатишлар қандай олиб борилиши ва ишлатилиши); 3) кўёш, ой ва сайёраларнинг ҳаракатлари; 4) астрология. Ушбу асар кўёш, ой ва сайёраларнинг ҳаракат жадвалларидан ташқари, юлдузларнинг номлари ва координатлари билан ҳам аҳамиятлидир.

Улуғбек юлдуз йилининг узунлигини 365,2570370 кун = 365 кун 6 соат 10 дақиқа 8 сония (+58 сония хатолик) деб белгиллаган. Бу қиймат 1525 йилда Николай Коперник томонидан 28 сонияга янгилашган. Улуғбек математикада синус ва тангенс қийматларининг тригонометрик жадвалларини камида саккизта касргача тўғри ёзган.

Яна бир олим – Сулаймон Бухорий 1492 йилда Макка шаҳрида туриб қибла йўналишини топиш бўйича машҳур рисоласини ёзган. Хусайн Воиз Кошифий (ўлими 1505 йил)нинг эса астрономияга доир учта асари бугунгача сақланиб қолган бўлиб, уларда вақтларни аниқлашнинг турли усуллари, жумладан, ойнинг ҳаракатига асосан соатларни ҳисоблаш тушунтириб берилган.

Фасихиддин Низомий Кўхистоний (ўлими 1530 йил) Али Қушчининг шоғирди бўлиб, Алишер Навоийга астрономия илмида устозлик қилган. Бу олим ўзининг астрономия ва математикага доир ўнга яқин асарини Навоийга бағишлаган. Кўхистоний Чағминий, Шамсиддин Самарқандий, Насириддин Тусий, Камолиддин Туркманийларнинг қарашларини давом эттирган. Айрим масалаларда Низомий Кўхистоний ўзидан олдинги олимларнинг қарашларини танқид ҳам қилган. Масалан, у Насириддин Тусийнинг "Бист боб дар маърифати астуруб" асарига ёзган шарҳида ўтмишдаги бу олим Ер айланиш ўқининг осмон ўқилиши уфқиға (эклиптика) нисбатан оғиш бурчаги 23°30' берилганлигига эътироз билдиради, бу миқдор илгариги олимларнинг асарларида 23°24' эканлигини таъкидлайди.

Рукниддин Омумий (15-16-юз йиллик) Насириддин Тусийнинг зижини қайта ишлаб, бу янги зижни Султон Абу Саид Мирзога атаган.

Шарафиддин Али Яздийнинг ҳам устурублар бўйича асари бўлганлиги маълум. Али Қушчи эса астрономияга доир бир рисоласида чизғич ва циркулни ишлатиш тўғрисида сўз юритган. Фасихиддин Низомий Кўхистоний устурублар тўғрисидаги бир йирик асарини Навоийга атаган. Абдулқодир Рўнийнинг глобусга доир асари ҳозиргача сақланиб қолган. Рукниддин Омумий эса устурубларни яша сўз тўғрисида йирик асар ёзган. Бу асарда Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Насириддин Тусийларнинг шу мавзудаги рисолаларидан қимматли парчалар учрайди.

Бир сўз билан айтганда, Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар даврида илм-фан ривожини юксак поғонага чиқди, соҳа аҳлига иззат-икром кўрсатилди. Оламшумул кашфиётлар эса бани башар тамаддунида бекиёс ўрин тутиб, асрлар оша мангу яшаб келмоқда.

Ислом БҰРИЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Фанлар академияси  
Тарих институти кичик илмий  
ходими.



## "ТЕМУР тузуклари"дан:

Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақоҳлар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.

\*\*\*

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

\*\*\*

Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим.

\*\*\*

Кенгаш икки турли бўлур: бири — тил учиде айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учиде айтилганини шунчаки эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қўярдим ва дилимга жойлардим.

\*\*\*

Дўсту душман билан мурсою мадора қилдим.

\*\*\*

Адолат ва инсоф билан Тангонинг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳқорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эҳсон ишларим билан одамлар кўнглидан жой олдим.

\*\*\*

Азму жазм билан иш тутдим. Бирон ишни қилишга қасд қилган бўлсам, бутун зеҳним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим.

\*\*\*

Раият аҳволидан огоҳ бўлдим, улугларни оға қаторида, кичикларини фарзанд ўрнида кўрдим.

\*\*\*

Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашроф-улуглари ва бузурғлари билан ошна тутиндим. Уларнинг миждозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларини уларга ҳоким қилиб тайинладим.

\*\*\*

Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

\*\*\*

Яхшиларга – яхшилик қилдим, ёмонларни эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим.



НУҚТАИ НАЗАР

## УЛАР БИЗГА БЕГОНА ЭМАС



## барча болалар ҳимоя ва ғамхўрликка ҳақли

**Етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг асосий эҳтиёжлари — хавфсиз муҳит, соғлом тарбия, таълим ва бошана. Шунинг учун давлат уларга оила муҳитини тақдим этишга, оилавий меҳрибонлик ўйлари орқали тарбиялашга ва керак бўлса, қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва моддий ёрдам беришга ҳаракат қилади. Бу тизим болани фақат яшаш жойи билан таъминлаб қўймайди, балки унинг шахс сифатида ривожланиши, ижтимоий ва руҳий барқарорлигига хизмат қилади.**

► (Давоми. Боши 1-бетда)

Булар бежиз эмас, чунки ушбу тоифадаги болалар жамиятда энг кўп ҳимояга муҳтож қатлам ҳисобланади. Ота-она меҳридан маҳрум бўлиб улғайган бола вояга етгач, жамиятда ўз ўрнини топиши учун билим, касб-ҳунар эгаллаши ва иш билан таъминланиши зарур.

Бирок, очигини айтиш керак, амалиётда бу борада ҳали ҳам бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хўш, нега? Умуман, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишлар ҳақида нима дейиш мумкин? Мақоламизда ушбу мавзу атрофида мулоҳаза юритамиз.

## ИМТИЁЗ ВА ИМКОНЯТЛАР

Маълум бўлишича, бугунги кунда Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар сони 81 минг 253 нафарни ташкил этмоқда. Уларнинг 6 мингга яқини етим болалар. 69 минг нафарининг ота-ониси бор, лекин қандайдир сабаб билан улар чет давлатларга чиқиб кетган ёки хорижда меҳнат қилади. Болалар қаровисиз қолиб кетмаслиги учун васийлик ва ҳомийликка берилади.

Амалдаги қонунчиликка кўра, улар учун таълим соҳасида алоҳида имтиёзлар мавжуд. Кўпинча университет ва коллежларга киришда квоталар белгиланади, бу етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар учун имтиёзли ўринлар ажратилиши таъминлайди. Иш билан таъминлашда давлат ташкилотлари ва хусусий секторда ёшлар учун махсус квоталар ажратилган. Масалан, 18 ёшдан катта етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болалар илк бор ишга киришда имтиёзларга эга. Бу имтиёзлар касб-ҳунар курслари, стажировка ва биринчи ишга қабул қилишда қўлланилади.

Шунингдек, уларга давлат ва нодавлат ташкилотлар томонидан моддий қўллаб-қувватлаш, тиббий хизматларда бепул кўрик ва эмлашлар, соғлиқни сақлаш тизимида ҳам бир қатор имтиёзлар бор.

Психолог ва ижтимоий хизматлар орқали болаларнинг руҳий ва ижтимоий ривожланиши таъминланади.

## ОИЛАВИЙ ТАРБИЯГА УСТУВОРЛИК БЕРИЛМОҚДА

**Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:**

- Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни қўллаб-қувватлаш тизими сўнги йилларда сезиларли даражада ислох қилинди ва инсонпарвар ёндашувга асосланмоқда.

Хусусан, кейинги йилларда бундай болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тегишли қонунчилик ҳам такомиллашди. Конституциямизга кўра, давлат болаларни ҳимоя қилиши ўз зиммасига олади. Етим ва

ота-она қарамоғидан маҳрум болаларга алоҳида ғамхўрлик кафолатланади.

Шунингдек, Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунга асосан ҳар бир боланинг яшаш, таълим олиш ва ҳимояланиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Давлат томонидан ижтимоий ҳимоя чоралари кафолатланади. Васийлик ва ҳомийлик тўғрисидаги қонунда болаларнинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тартиби белгиланган.

Охирги йилларда бу борадаги энг муҳим ва эътиборли ислохотлардан бири, оилавий тарбияга устуворлик берилмоқда. Чунки бола оила муҳитида меҳр, эътибор ва индивидуал ёндашувни кўпроқ ҳис қилади. Бу эса унинг руҳий ва ижтимоий ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади. Шунингдек, оилада тарбияланган болалар мустақил ҳаётга мослашиши анча осон кечади ва жамиятга тезроқ интеграциялашади.

Шунинг учун мамлакатимизда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни Меҳрибонлик ўйига эмас, оилаларга бериш амалиёти жорий этилди. Яъни оилавий тарбияга устуворлик берилмоқда. Болаларни интернет маъсасаларида эмас, балки оила муҳитида тарбиялашга катта эътибор қаратишмоқда.

Оилавий болалар ўйлари – бу бир оила шаклида ташкил этилган уй. У ерда бир ёки бир неча бола оила муҳитида тарбияланади. Бола вояга етиб, мустақил бўлгунча шу уйда қолади. Тарбиячи оила раҳбари сифатида, ҳар бир боланинг эҳтиёжини қоплайди, давлат эса назорат қилади.

Фостер оилалар болаларни вақтинча, асосий оилага ёки оилавий ўйга тайёрлаш учун қабул қилади. Кўпинча 1–2 бола, баъзан уч нафар ҳам бўлади. Бундай оилаларда болалар интернетдан олиб чиқилиб, оила муҳитида бир неча ойдан бир неча йилгача яшайди. Бола асосий оилага қайтишга ёки оилавий ўйга жойлаштирилишга тайёрланади. Вақтинчалик оила боланинг тарбияси ва эҳтиёжлари учун масъул, давлат ва ижтимоий хизматлар томонидан назорат қилинади.

Кичик гуруҳли ўйлар эса бу – давлат ёки хусусий ташкилот томонидан ташкил қилинган, кичик гуруҳда тарбия бериладиган уй. Бу ерда бола доимий ёки муддатли бўлиши талабга қараб ўзгариши мумкин.

Оила шароитида боланинг табиий муҳитда ўсиши таъминланади. Ўзини худди ўз оиласида бўлганидек ҳис қилади. Бу ерда улар рўзғор ишларини ўрганади, ота-она меҳрини, кўмагини ҳис қилишади. Шу оиладан таълим муассасига борапти, жамиятга мослашапти.

Хозирги амалиётга кўра, оилавий меҳрибонлик ўйи ташкил этилганда шартнома бевосита Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги орқали тузилади. Илгари бу ваколат асосан маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги васийлик ва ҳомийлик органларига тегишли эди. Сўнги ислохотлардан кейин эса мазкур функциялар Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмаларига ўтказилди.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда оилавий меҳрибонлик ўйи бўйича шартномалар марказлашган ҳолда Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги тизими орқали расмийлаштирилади ва назорат қилинади.

**Шаҳноза ШАРИПОВА, Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиси:**

- Мен 3 ёшимдан 16 ёшимгача Меҳрибонлик ўйида тарбияланганман. Тўғри, имкониятлар жуда катта. Овқат тайёр, кийимлар тоза, иссиқгина кийиниб мактабга борамиз, ўқишдан қайтганимизда яна ҳаммаси тайёр. Биздан фақат яхши



**ЎЗБЕКИСТОНДА ЕТИМ ВА ОТА-ОНА ҚАРАМОҒИДАН МАҲРУМ БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ТИЗИМИ СЎНГИ ЙИЛЛАРДА СЕЗИЛАРЛИ ДАРАЖАДА ИСЛОХ ҚИЛИНДИ ВА ИНСОНПАРВАР ЁНДАШУВГА АСОСЛАНМОҚДА. ХУСУСАН, КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА БУНДАЙ БОЛАЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БЎЙИЧА ТЕГИШЛИ ҚОНУНЧИЛИК ҲАМ ТАКОМИЛЛАШДИ.**

ўқиш ва давлатга керакли инсон бўлиб етишиш талаб қилинади.

16 ёшга тўлиб, Меҳрибонлик ўйидан чиқиб ҳар бир болага ҳар хил таъсир қилади. Бу ердаги болаларнинг ҳаёти доимий назорат ва хавфсизлик муҳитида кечади. Уларнинг кундалик эҳтиёжлари — еб-ичиш, кийиниш, уй ишлари — барчаси тайёр ҳолатда бўлади. Бу уларни ҳимоя қилади, аммо шу билан бирга уларнинг мустақиллик кўникмаларини ривожлантириш имконини ҳам чеклайди.

Натижада бу болалар кўпинча ишонувчан ва очиқ характерда улғаяди, лекин ҳаётда ўзини эплаб кетиш, қарорлар қабул қилиш, мушкул вазиятларда ўзини бошқариш каби оддий кўникмаларни эгаллашда қийналиши мумкин. Мустақил ҳаётда улар биринчи марта оила муҳити ва шахсий масъулият билан тўлиқ юзма-юз қолади. Улар учун бир вақтлар оддий бўлган кундалик ишлар — таом тайёрлаш, ўйни тартибга келтириш, маблағини тақсимлаш катта синовга айланади.

Шу билан бирга, бу болаларнинг руҳий барқарорлиги ва ижтимоий мослашувчанлиги катта аҳамиятга эга. Улар кўпинча ҳаётда ўз йўлини топиш, ижтимоий муносабатларда муваффақиятли бўлиш учун кўшимча қўллаб-қувватлашга муҳтож. Шу нуқтаи

назардан, Меҳрибонлик ўйидан чиқиш — бу фақат имтиҳон эмас, балки уларнинг мустақилликка қадам қўйиши учун муҳим ва ҳаётий тажриба ҳисобланади.

Бундай вазиятда уларни нафақат моддий, балки психологик ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш зарур. Шу тарзда бола ҳаётда ўзини эплаб кетишни ўрганади ва мустақил, ишончли шахс сифатида ривожланади.

Давлат томонидан бундай болаларга жуда кўп имтиёзлар ва имкониятлар берилмоқда. Айниқса, Меҳрибонлик ўйи тарбияланувчиларининг оилаларга берилишини бу жуда яхши янгилик, деб биламан. Чунки бундай болаларнинг руҳияти банд, жамиятга қўшилиши кўникмаси юқори бўлади.

## ҲЕЧ БИР БОЛА "ЕТИММАН", ДЕБ ЎКСИМАЙДИ

Уй-жойга эга бўлиш инсонга барқарорлик ва ишонч бағишлайди. Бу етим болалар учун мустақил ҳаётни бошлашда муҳим омил ҳисобланади. Шунингдек, ўз уйига эга бўлган ёшлар келажакни режалаштириш ва жамиятга ўз ўрнини топишда анча ишонч билан ҳаракат қилади.

Охирги йилларда Ўзбекистонда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилди ва қатор амалий ишлар олиб борилмоқда. Оддий тилда айтганда, бирорта боланинг "мен етим ёки ногиронман" деб ўксимаглиги учун барча шарт-шароит яратилиши, уларнинг касб-ҳунар ўрганиши, олий маълумот олиши ва ишга жойлаштириш, уй-жой билан таъминланишининг ҳуқуқий асослари яратилди.

Қонунчиликка кўра, етим болалар 18 ёшга тўлгандан сўнг уй-жойга муҳтож шахс сифатида давлат рўйхатида киритилади. Бу рўйхат уларнинг ҳаётини эҳтиёжини расмийлаштириш ва уй-жой тақдим этиш жараёнини тартибга солиш учун зарур. Давлат эса уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш асосида турар жой билан таъминлаши керак.

Бу тизим нафақат уй-жой билан таъминлашдан иборат, балки боланинг мустақил ҳаётга қадам қўйишига ҳам хизмат қилади.

Давлат уй-жой тақдим этиш билан бирга, бола учун ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маслаҳат ва назоратни ҳам давом эттиради. Бу болага ўз ҳаётини мустақил равишда бошқариш, ижтимоий кўникмаларни ривожлантириш ва жамиятга интеграцияланишда ёрдам беради. Шундай қилиб, уй-жой бериш тизими нафақат яшаш жойи, балки боланинг келажак ва ҳаётини барқарорлиги учун ҳам муҳим.

Шу маънода ижтимоий ҳимоядаги асосий қадамлардан бири — болаларни уй-жой билан таъминлашдир. Лекин бу жараёнда баъзи муаммолар ҳам учрайди: уй-жой фонди барча болалар эҳтиёжини қопламайди, инфратузилма ва хизматлар баъзи ҳудудларда етарли эмас. Шу сабабли ижтимоий ҳимоя тизими доимий равишда болаларнинг ҳолатини кузатади, уларни қўллаб-қувватлайди ва муаммоларни бартарф этишга ҳаракат қилади.

**Ўткр НАМОЗБОВЕВ, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги масъул ходими:**

- Яқин тарихда ҳам, яъни 2021 йилгача уй-жойлар етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга хусусий қилиб берилмаган. Таъкидлаш лозимки, 2021 йилгача туман (шаҳар)

ҳокимликлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 августдаги 164-сон қарори асосида уй-жойга муҳтож етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга аниқ мақсадли коммунал уй-жой фонди, ижтимоий ётоқхона ва ижтимоий уйлардан турар жойлар ижара асосида бериб келинган.

Қайд этиш керакки, уй-жойлар ижара шартномаси 5 йил муддатга тузилган ва ушбу муддат тугагандан сўнг, шартнома муддатини узайтириш имконияти бўлган. Бу эса етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоийлашуви ва мустақил ҳаётга мослашишига маълум бир маънода таъсир кўрсатарди. Бу асосан мазкур болаларнинг моддий жиҳатдан ўйли бўлиш имконияти чекланганлиги билан ифодланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 9 августдаги қарори билан уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни турар жой билан таъминлашнинг янги тизими амалиётга татбиқ этилди. Унинг ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 25 октябрда 656-сонли қарори қабул қилинди. Натижада уй-жойга муҳтож етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларни турар жойлар билан хусусий асосда таъминлаш тартиби жорий этилди.

Янги тартибга кўра, турар жойга муҳтожлар сифатида ҳисобда турган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга улар 18 ёшга тўлгандан кейин кўп квартиралар уй-жойлардан умумий майдони 25 – 50 квадрат метр оралиғида бўлган, мазкур болалар ўртасида никоҳ тузилган ҳолларда, 50 – 70 квадрат метр оралиғида бўлган квартиралар ёки мазкур квартиралар нархидан ортиқ бўлмаган нархда яқна тартибдаги турар жой (ховли) ажратилади. Шунингдек, ногиронлиги бўлган етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга квартиралар кўп қаватли уйларнинг учинчи қаватига ажратилади.

Квартиралар асосан янги қурилган уйлардан, зарур ҳолларда эса иккиламчи бозордан харид қилинади. Агарда уй-жойлар бирламчи ва иккиламчи бозордан топилмаса, унда ҳовли жой ажратиш чоралари кўрилади. Шунингдек, уй-жой ажратиш билан боғлиқ ишлар уй-жойга муҳтож етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болалар тўғрисидаги маълумотлар базаси бўлган "онлайн-навбат" ахборот тизимида юритилади, маълумотлар расмий сайтда эълон қилиб борилади.

2021 йилдан 2025 йилгача 3 200 нафар уй-жойга муҳтож етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болага турар жойлар хусусий қилиб берилди. 2025 йилда 662 нафар бола уй-жой билан таъминланди. Бунинг учун 187 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилди.

Энг муҳими, бундай оқилона сиёсат туфайли етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг нафақат ижтимоий ҳимояси таъминланяпти, балки уларнинг жамиятга тезроқ мослашиши, кенг муҳитда мулоқот қилиши ва ўз келажакини мустақил қуришига замин яратилмоқда.

\*\*\*

Умумий қилиб айтганда, етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг ижтимоий ҳимояси нафақат уларнинг кундалик ҳаётини осонлаштироқда, балки улар қалбига умид ва қувонч ҳиссини ҳам бағишламоқда.

**Лазиза ШЕРОВА, "Ўзбекистон овози" муҳбири.**

## ДЕПУТАТЛИК НАЗОРАТИ

## БУНЁДКОРЛИК ОРТИДАГИ БАРАКА



Сув – ҳаёт демакдир. Оби-ҳаёт бор жой гуллаб-яшнади, тўкинлик ва фаровонлик бўлиши табиий. Мамлакатимизнинг жанубий қўрғони – Сурхон воҳаси қўлай маконда жойлашганлиги билан ажралиб туради. Бир томони азим Боботоғ, иккинчи тарафи эса пурвиқор Ҳисор тоғ тизмаларига тутшиб кетган манзилда Тўпаланг, Учқизил, Дегрез, Оқтепа сув омборлари ва Жарқўрғон гидроузели бор. Сурхондарё, Шерободдарё, Қоратоғдарё, Тўпалангдарё, Сангардакдарё, Обизаранг, Қизилсув, Ҳазорбоғ, Дайтўлак, Қўмқўрғон, Аму-занг каби дарё ҳамда каналлар мавжуд. Юзлаб серсув булоқ ва ажойиб чашмалар учрайди.

Қўмқўрғон туманидаги Бандихон сойи ҳам ана шундай йирик гидроиншоотлардан бири ҳисобланади. Ўтган йили сойнинг 850 метр қисмида қурилиш-таъмирлаш юмушлари бажарилганди. Бунинг учун 3 миллиард 720 миллион сўмдан ортиқ маблағ сарфланган. Хайрли ва эзгу ишлар самараси ўларок, қатор фермер

хўжаликлари ҳамда ўнлаб хонадонлар аҳлига қўлайлик яратилди.

– Халқимизнинг асосий қисми мазкур сой сувидан фойдаланади, – дейди "Нурли диёр" маҳалла фуқаролар йиғини раиси, партиямиз фаоли Бекмурод Абдуқаюмов. – Улкан иншоотда баҳор ва куз ойларида тез-тез

сув-сел тошқинлари кузатилади. Бундан одамлар ҳам моддий, ҳам маънавий зарар кўргани ҳақиқат. Қирғоқларнинг темир-бетон қоплама билан мустаҳкамлангани юртдошларимиз учун янгилик бўлди.

– Айни кунларда воҳада 3 миллион нафардан ортиқ аҳоли иштирокчи бўлиб, – давом этади Ўзбекистон ХДП Қўмқўрғон туман Кенгаши раиси, халқ депутатлари туман Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи аъзоси Мамаражаб Номозов. – Қарийб 430 мингга яқин хонадонда 49 минг гектардан зиёд томорқа бор. Жойларда қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга яхшиланапти. Биргина ўтган йилги даромад 40,3 триллион сўмдан ошгани ҳам бунинг ёрқин ифодасидир.

Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилидаги режалар эса янада салмоқли. Бунинг учун агротехник тадбирлар билан бир қаторда сув таъминоти ҳам кўнгилдагидек бўлиши лозим. Шулар инobatга олинган ҳолда партия ташкилоти, депутатлик гуруҳи, фавқулодда вазиятлар вилоят маҳсус муҳандислик бошқармаси, "Нурли диёр" маҳалла фуқаролар йиғини масъуллари билан ҳамкорликда Бандихон сойи қирғоқлари яна бир бор кўздан кечирилди. Ўрганишлар давомида кенг қўламли бунёдкорликлар ўз вақтида ва сифатли амалга оширилгани аниқланди. Бу юртдошларимизнинг кўнгли хотиржам ва ҳаёти фаровон бўлишидан далолат беради.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,  
"Ўзбекистон овози" муҳбири.

## ҲАМКОРИМИЗ

## "ЎЗСУВТАЪМИНОТ" АЖ: ТИЗИМДА ХОТИН-ҚИЗЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА



Нилуфар САПАЕВА,  
"Ўзсувтаъминот" АЖ  
Ахборот хизмати ходими.

Аёлларни жамият ҳаётига жалб қилиш иқтисодий тараққиётни ҳам таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2021 йил 28 майдаги қарори билан 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси ишлаб чиқилди. Гендер тенглик тушунчаси жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча йўналишларида, шу жумладан, сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, маданият, таълим, илм-фан, спорт сахаларида хотин-қизлар ва эркекларнинг ҳуқуқ ҳамда имкониятлари бараварлигини англатади.

Мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фаоллигини ошириш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратилган. Ҳозирда ҳар бир соҳада аёлларнинг ўрни сезиларли даражада ошмоқда. Хусусан, сув таъминотида ҳам бугунги кунда юзлаб аёллар фаолият олиб бормоқда.

"Ўзсувтаъминот" АЖ ва унинг тизим ташкилотларида 28 мингдан

ортиқ ходим фаолият юритаётган бўлса, шулардан 4 320 нафари хотин-қизлардир. 85 нафари эса раҳбарлик лавозимларида ишлайди.

Шунингдек, бугунги кунга қадар 88 нафар хотин-қизларга олий таълим муассасаларида тахсил олишлари учун тавсияномалар берилиб, билим ва кўникмалари ошишига кўмаклашилди. Акциядорлик жамиятининг юзлаб аёл ходимлари Корейнинг "K-Water" академияси, "KOICA" халқаро агентлиги, Франциянинг "SUEZ" компаниясида, Туркия ва бошқа қатор давлатларда малака ошириб қайтишди.

Гендер тенглик жамиятда тинчлик-тотувлиқни таъминлашда, барқарор ривожланиш йўлида инсоният салоҳиятини тўла амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади. Зўравонликка қарши курашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш, хотин-қизларни давлат бошқарувида кенг жалб этиш – буларнинг барчаси Ўзбекистонда давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган. Хотин-қизлар ҳуқуқлари алоҳида мавзу сифатида эмас, балки умумий адолат тамойили доирасида кўриб чиқилмоқда.

Акциядорлик жамиятимизда "2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси" ижроси, хотин-қизлар ва эркеклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш масалалари бўйича ўқув семинарлари, турли тадбирлар мунтазам равишда ташкил этилади.

Жумладан, яқинда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Tashkent Water Week 2026" халқаро форуми доирасида "Women Water Week" кунлари ўтказилди. Бу тадбирда айнан сув соҳасидаги мутахассис аёллар жамланиб, тажриба алмашди.

Иштирокчи аёллар сув таъминотидаги технологик ва рақамли инновациялар, сув ресурсларини бошқаришдаги глобал тенденциялар ва асосий муаммолар, озиқ-овқат



АКЦИЯДОРЛИК  
ЖАМИЯТИНИНГ ЮЗЛАБ  
АЁЛ ХОДИМАЛАРИ  
КОРЕЯНИНГ "K-WATER"  
АКАДЕМИЯСИ, "KOICA"  
ХАЛҚАРО АГЕНТЛИГИ,  
ФРАНЦИЯНИНГ "SUEZ"  
КОМПАНИЯСИДА,  
ТУРКИЯ ВА БОШҚА  
ҚАТОР ДАВЛАТЛАРДА  
МАЛАКА ОШИРИБ  
ҚАЙТИШДИ.

хавфсизлигида сувнинг роли ва тармоқлараро ҳамкорликни ривожлантириш, яшил стандартларни жорий этиш, ерлардан оқилона фойдаланиш, инсон капиталини ривожлантириш ва малакали кадрлар тайёрлаш каби масалаларни кўриб чиқишди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Сув кодексининг тайёрлишида аёл мутахассисларнинг ҳиссаси, лидер, олим аёллар сафини кенгайтириш, раҳбарлик кўникмаларини шакллантириш каби мавзуларда маърузалар тингланди.

"Ўзсувтаъминот" АЖ ва унинг тизим ташкилотларида аёл ходималар учун бу каби семинар-тренингларни йил давомида ўтказиб бориш режа қилинган.

Келажақда сув таъминоти соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг илмий изланишлар олиб боришлари, олималар сафи кенгайиши учун барча зарур шароитларни яратиб бериш ҳам мақсад қилиб қўйилган.

## СПОРТ

## ФУТБОЛ:

ЭНГ КАТТА МАОШНИ ҚАЙСИ  
МУРАББИЙ ОЛЯПТИ?

Англия премьер-лигасининг (АПЛ) жорий мавсумидаги энг юқори маош олувчи мураббийлари ва уларнинг маошлари миқдори маълум бўлди.



"Манчестер Сити" бош мураббийи Хосеп Гвардиола лиганинг энг юқори маош олувчи мураббийлари рўйхатида етакчилик қилмоқда. "L'Equipe" ағетлигининг маълумотига кўра, унинг ойлик даромади 1,92 миллион еврога тенг.

Энг юқори маош олувчи мураббийлар учлигидан жорий мавсумда етакчиликни ўз қўлига олган "Арсенал" устози Микель Артета ва "Астон Вилла"ни юқори ўринларга олиб чиқишни удалаган Унаи Эмери қайд этилган.

Артета лондонликлардан ойига 1,24 миллион евро маош олаётган бўлса, Эмерининг ойлик даромади 770 минг еврога тенг.

Қизиғи шундаки, Англияда энг кўп пул топаётган ҳар учала мутахассис испаниялик ҳисобланади.

## ГАНДБОЛ:

ЎЗБЕКИСТОН МАРКАЗИЙ ОСИЁ  
ЧЕМПИОНАТИ ФОЛИБИ БЎЛДИ

Пойтахтимиздаги "Олимпия шаҳарчаси" мажмуасида гандбол бўйича аёллар ва эркеклар жамоалари ўртасида Марказий Осиё чемпионати бўлиб ўтди. Бир ҳафта давом этган мурасасиз баҳсларда Ўзбекистон билан бир қаторда Қозоғистон ва Ҳиндистон гандболчилари ўз омадини синовдан ўтказди.



Чемпионатнинг эркеклар ўртасидаги финал босқичида Қозоғистоннинг "Астана" ва мамлакатимизнинг "UZBEKISTAN TEAM" жамоалари ўзаро курашди ва мамлакатимиз гандболчилари қозоғистонлик спортчиларни 32:27 ҳисобида мағлуб этиб, Марказий Осиё чемпионига айланди.

## КОСИКИ КАРАТЭ:

ПОЙТАХТИМИЗДА ЖАҲОН  
ЧЕМПИОНАТИ ЎТКАЗИЛДИ

Жорий йилнинг 3-5 апрель кунлари "ЖАР" спорт-соғломлаштириш комплексида косики каратэ бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Россия, Германия, АҚШ, Малайзия, Миср, Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон ва Ўзбекистондан жами 300 нафардан ортиқ спортчи ва расмий вакиллар иштирок этди.



– Мусобақа доирасида яқка ва жамоавий тартибда кумитэ ҳамда ката баҳслари бўлиб ўтди. Ўзбекистонлик спортчилар яқка тартибдаги кумитэ баҳсларида 19 та олтин, 10 та кумуш ва 8 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида етакчиликни намоён этди, – дейди Ўзбекистон Фудокан каратэ-до федерацияси бош котиби Равшан Талипов. – Жамоавий кумитэ баҳсларида Россия, Тожикистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон жамоалари ўртасида кескин ва мурасасиз беллашувлар кечди.

## ТАЭКВОНДО:

ЖАҲОН РЕЙТИНГИДА СВЕТЛАНА  
ОСИПОВА ҲАМОН ПЕШҚАДАМ

Бутунжаҳон таэквондо федерацияси апрель ойи учун ўзининг янгиланган жаҳон рейтинг жадвалини эълон қилди. Мазкур жадвалга кўра, Ўзбекистон терма жамоасининг бир неча вакиллари ўз вазнларида ҳамон етакчилик қилмоқда.



Хусусан, эркеклар ўртасидаги 74 килограммгача бўлган вазн тоифасида Нажмиддин Қосимхожиев 199,40 очко билан етакчилик қилаётган бўлса, хотин-қизлар орасида вазни +73 килограмм бўлган Светлана Осипова 203,80 очко жамғариб, ўз вазнида яққол пешқадам бўлиб турибди.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ тайёрлади.

## МУАССИС:



ЎЗБЕКИСТОН  
ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ  
МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

## O'zbekiston Ovozi

## ТАНРИР НАҲ'АТИ:

Ulug'bek INOYATOV  
Ulug'bek VAOFOYEV  
Maqsuda VORISOVA  
Qalandar ABDURAHMONOV

Guliston ANNAQILICHEVA  
Muslihiiddin MUHIDDINOV  
Olim RAVSHANOV  
Toshtemir XUDOYQULOV

## Bosh muharrir: Nazira MATYAKUBOVA

MANZILIMIZ: 100029, Тошкент, Мустақиллик майдони 5/3

Телефонлар: (71) 239-12-14

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.  
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Navbatchi: Ravshan SHODIYEV

Г — 437. 4005 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220.

t — Tijorat materiallari

O'za yakuni —

Topshirilgan vaqti — 21:45

1 2 3 4 5 6

Sotuvda kelishilgan narxda